

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИ ДОИРАСИДАГИ АМАЛИЙ ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

11 июнь куни Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, “Masdar”, “Indorama”, “ACWA Power”, “Vision Invest”, “DataVolt”, “Veon”, “Boeing”, “Air Products”, “SpaceX”, “Meta”, “John Deere”, “Franklin Templeton”, “Suez”, “EDF”, “Total Energies”, “Voltalia”, “Orano”, “Linde”, “Claas”, “Sojitz”, “Bomi”, “OTP Bank”, “Goldwind”, “Çalik”, “Çengiz”, “Aksa”, “JBIC” каби етакчи компания ва банклар раҳбарлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари - Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро молия корпорацияси, Осие тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси вакиллари иштирок этди.

Кенгашнинг асосий вазифалари муваффақиятли тажриба ва жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда Ўзбекистон Ҳукумати билан хорижий инвесторлар ўртасида очик мулоқотни таъминлашдан иборат.

Давлатимиз раҳбари мажлисни очар экан, куни кеча ўтган тўртинчи Тошкент инвестиция форумининг самарали натижаларини қайд этди ҳамда

кенгаш аъзоларига Янги Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ва кўмаги учун миннатдорлик билдирди.

Кенгашнинг аввалги йиғилишлари натижадор бўлгани мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, халқаро молия ташкилотлари билан ишлашнинг мутлақо янги форматига ўтилди, самарали ҳамкорлик тизими жорий этилди, ўзаро манфаатли шериклик тармоқлари кенгайди.

Жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўтган йили Ўзбекистонга рекорд миқдорда – қарийб 1 миллиард доллар инвестиция киритди. Мамлакатимиз банкнинг минтақадаги энг йирик ҳамкорига айланди.

Шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг хусусий сектор билан ҳамкорлиги сезиларли даражада кучайди. Хусусий компания ва банклар билан қўшма лойиҳалар ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Бу галги мажлисда иштирок этаётган компаниялар “яшил” энергетика, чиқиндиларни қайта ишлаш, электр энергиясини сақлаш, “яшил” водород ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда янги лойиҳаларни бошлади.

Хусусан, “ACWA Power”, “Masdar”, “Linde”, “Shanghai Renewable Energy” ва “Total Energies” компаниялари 8 миллиард доллардан зиёд инвестиция киритиб, “яшил” иқтисодиёт ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистоннинг рақамли технологиялар соҳасига жаҳонга машҳур нуфузли компаниялар ҳам фаол кириб келмоқда. “DataVolt” компанияси мин-

тақадаги энг йирик “яшил” маълумотлар марказини барпо этиш, “Veon” эса, сунъий интеллектга асосланган мобиль суперилловани яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда.

– Буни хорижий инвесторларнинг ислохотларимизга бўлган юсак ишончи, очиклик сиёсатимизнинг яққол мисоли, деб биламан, – деди Президент.

Кенгашга аъзо Халқаро молия корпорацияси, “Ernst&Young”, “Dentons”, “Knauf” ва “TBC” компаниялари томонидан миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Уларнинг янги ташаббус ва ғоялари 10 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорларда ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбари бизнес учун базавий солиқ ставкалари 2028 йилгача ўзгармаслигини маълум қилди.

Умуман, инвестиция муҳити яхшилангани натижасида сўнгги икки йилда юртимизда хорижий капитал иштирокида 5,5 мингта янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони 16 мингтага етди.

Қайд этилганидек, бугунги учрашуга тайёргарлик доирасида хорижий ҳамкорларнинг 40 дан ортиқ ташаббуслари саралаб олинди. Хусусан, инвесторлар томонидан солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар сонини кўпайтириш, инфратузилма лойиҳаларида хусусий сектор иштирокни кенгайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Жорий йилда йўл қурилиши, транспорт, энергетика, сув таъминоти, ирригация ва бошқа соҳаларда қарийб 4,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бошланган. Молиявий ҳисоботнинг, шунингдек, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартлари-га ўтиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Келиб тушган таклифлар асосида гаров тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, хорижий компаниялар учун профессионал кадрлар тайёрлаш, маҳаллий компанияларда корпоратив бошқарувни яхшилаш, солиқ маъмуричилиги бўйича қўшимча ишчи гуруҳлар ташкил этилади.

Кенгаш Котибиятининг мустақиллигини ошириш ва уни алоҳида юридик шахс сифатида қайта ташкил этиш таклиф этилди.

Сўзга чиққан кенгаш аъзолари Янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар дастури натижаларини юқори баҳолади. Давлатимиз раҳбарига инвестициявий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга қатъий интилиши учун миннатдорлик билдирилди.

Кенгаш бarchа ташаббусларни батафсил кўриб чиқиш ва уларнинг амалий ижросини назоратга олиш топширилди. Шунингдек, ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида “йўл харитаси” қабул қилиш юзасидан кўрсатма берилди.

ЎЗА

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари сони икки баравар кўнайди. Ўтган йили ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг – 95,2 фоизи, қурилиш соҳаси – 76,5 фоизи, бозор хизматлари – 57 фоизи, саноатда – 32,4 фоиз, инвестицияларда – 51,5 фоиз улуши айнан кичик бизнес вакиллари-нинг меҳнати самарасидир.

■ Моҳият

Янги қонун:

тадбиркорликнинг ҳалол рақобат муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган



Шу билан бир қаторда “сохта тадбиркорлик” субъектлари эса, адолатли рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу, ўз навбатида, шаффоф фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган механизмларни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

(Давоми 3-бетда) ►



Қобилжон ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Бюджет ва иқтисодий
масалалар қўмитаси раиси
ўринбосари

● Адвокатура: муаммо ва ечим

Одил судловнинг ажралмас қисми



Тоҳир ҚОДИРОВ,
Адвокатлар палатаси
Самарқанд вилояти
ҳудудий бошқармаси
бошлиғи

Мамлакатимизда кейинги йилларда одил судловнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган адвокатура институтини янада ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бунда соҳанинг қонунчилик базаси яратилгани ва у тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 3-бетда) ►

● Тарих тилсимлари

ҚОДИРИЙНИ


йиғлатган Кумуш

(Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” китобидан айрим боблар)

◄ (Бошланиши
ўтган сонларда)
ТУШ

Қодирий Худоёр салтанатини, даврини тасвирлашга киришарканлар, фақат юқоридаги каби айрим воқеа, оғзаки хабарлар билангина чекланиб қолмайдилар. “Ўтган кунлар”даги каби бу роман учун ҳам уша даврга оид турли тарихий адабиётларни синчиклаб ўқиб ўрганадилар (албатта, бу фикрлар ёзувчининг ўз сўзидан олиб айтилатири, бу тўғрида қуйида сўз бўлур) ва йиғилган маълумотларни фикран умумлаштириб, уни маълум бир тартибга ҳам солиб чиқадилар, гўё романнинг умумий шакл-мазмуни ҳам тайёрдай бўлади. Аммо у кишини бир нарса анча вақт ўйлатади, излатади, қийнайди.

(Давоми 4-бетда) ►



Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини ривожлантириш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштириш, суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш чораларини кучайтириш, инсон саломатлиги учун хавф тўғдирувчи юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

■ Парламент фаолияти



Медиация тартиб-таомилларини қўллаш учун рағбатлантирувчи нормалар

Мажлисида дастлаб низо қонун лойиҳаси иккинчи ларни муқобил ҳал этишда ўқишда муҳокама қилинди. медиация институтини ривожлантиришга қаратилган

(Давоми 2-бетда) ►

■ Жиноятга жазо муқаррар



Соғлом ҳаёт шарти
турли хил иллатларга қарши муросасиз курашишни тақозо этади

Амалдаги қонунларимизда гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сотиш ва истеъмол қилиш оғир жиноят ҳисобланиши, бунинг учун тегишли жавобгарлик белгилангани қайд этилган. Дарҳақиқат, инсон ҳаётига таҳдид солувчи ушбу “заҳри қотил” туфайли ҳар йили қанчадан-қанча инсонлар бевақт ҳаётдан кўз юммоқда, айримлари ногирон бўлиб қолмоқда, шунингдек, бу нопок қилмишга қўл уриб, тегишли жазо олаётган кимсалар ҳам кам эмас.

(Давоми 2-бетда) ►

Маълумки, коррупция хавфли иллат бўлиб, жамиятда адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигини келтириб чиқаради, бу эса, барча соҳадаги ислохотларнинг натижасига салбий таъсир этади.



■ Муносабат

КОРРУПЦИЯ – тараққиёт йўлидаги ғов

Янги Ўзбекистонни коррупциядан холи, соғлом ва шаффоф жамиятга айлантириш давлат сиёсатининг бош мақсадидир. Кейинги тўққиз йилда коррупцияга қарши курашиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилиб, тарғибот-ташвиқот тадбирлари изчиллик билан олиб борилмоқда.

Албатта, ҳар бир қонун яхшиликни кўзлаб, эзгу мақсадда қабул қилинади. Ана шундай тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан бири 2017 йил 3 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонундир. Унда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда кенг қамровли чора-тадбирлар ва нормалар белгиланган.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёда коррупция ва порахўрлик натижасида йилга бир триллион доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилган экан. Бу маълумот коррупция муамолари билан шуғулланувчи “Transparency International” ташкилотининг ҳисоботларида таъкидланган.

(Давоми 2-бетда) ►




Дилшод ТАДЖИБАЕВ,
Тошкент вилояти
суди раиси

● Қонун кўмаги

Рағбатлантирувчи ҳақ

фермер фойдасига ундириб берилди



Маълумки, иқтисодий судларда кўрилатган ишларнинг асосий қисмини фермер ҳужаликлари ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ даъво аризалар ташкил этади. Бунда, табиийки, судлар томонидан асосий эътибор фермер ёки тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Иқтисодийётда хорижий инвесторларни жалб қилишнинг ҳар қандай босқичида низолашаётган тарафларнинг ўзаро келишувга ва мақбул ечимга келишига эришишни таъминловчи механизмларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қонун лойиҳасида

Суд мустақиллиги ва судьялар дахлсизлиги таъминланади



Мажлисида “Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш чоралари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан суд биносида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари, шунингдек, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик чораларини аниқлаштириш назарда тутилмоқда.

Суд ишларини ҳал этишга аралашши, яъни муайян ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб

медиация тартиб-таомилларини қўллаш учун рағбатлантирувчи нормалар, медиаторларга оид талаблар ва медиатив келишувларни ижро этиш қоидалари низоларни муқобил ҳал этиш механизмларидан бири сифатида белгиланмоқда. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

чиқишга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида, судья ёки халқ маслаҳатчисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси судлар мустақиллиги кафолатларини янада кучайтиришга, судьялар фаолиятига ҳар қандай аралашувларнинг олдини олишга, ҳар кимга бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун унинг иши мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши кафолатланишини амалда таъминлашга қаратилган. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳакамлик судлари фаолияти янада такомиллаштирилмоқда

Депутатлар ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Шунингдек, ҳакамлик суд-

Хотин-қизлар ва болалар ҳимояси кучайтирилади

Мажлисида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексига тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича суд томонидан кўриб чиқиладиган ишларда мажбурий тартибда прокурорнинг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, бирламчи кўмак хоналарига ёки Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар учун банк картасини тиклаш

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фарғона туманидаги “Bahodir Log'on Tekstil” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона билан Ёзёвон туманидаги “Раҳимжон” фермер ҳўжалиги ўртасида юзага келган низо ҳам фикримизга мисол бўла олади.

Аниқланишича, 2021 йил 15 март куни қўшма корхона ва фермер ҳўжалиги ўртасида пахта хомашёсини харид қилиш бўйича 22-сонли фьючерс шартномаси тузилган. Шартномага кўра, фермер ҳўжалиги 155,7 тонна “Наманган-77” навли пахта етиштириш ва етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Айтиш жоизки, фермер ҳўжалиги шартнома мажбуриятларини ортиги билан бажаради. Яъни 166,5 тонна пахта хомашёси етказиб беради.

Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги “**Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ ҳўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида**”-ги 121-сонли қарори асосида ғўзанинг наслчилик навлари тасдиқланган бўлиб, улар учун рағбатлантириш коэффициенти 2021 йил ҳосили учун қўтилаётган минимал нархларга нисбатан жорий этилган. Унга кўра, ғўзанинг “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “С-6524”, “Наманган-77”, “Бухоро-102” навлари учун белгиланган минимал нархларга нисбатан 1,15 рағбатлантирувчи коэффицент жорий қилинган.

Буни қайд этишдан мақсад шуки, “Bahodir Log'on Tekstil” қўшма корхонаси ушбу қарор талабига риоя этмай “Раҳимжон” фермер ҳўжалигига рағбарлантирувчи коэффицентни тўлаб бермаган. Бинобарин, Ёзёвон тумани

○ *Қонун кўмағи*

Рағбатлантирувчи ҳақ фермер фойдасига ундириб берилди



фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Фарғона туманлараро иқтисодий судига киритган даъво аризасида “Bahodir Log'on Tekstil” қўшма корхонасидан “Раҳимжон” фермер ҳўжалиги фойдасига етиштирилиб топширилган пахта хом-ашёсига нисбатан 151 миллион 105 минг сўм рағбатлантирувчи коэффицентни ундириб беришни сўраган.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 ноябрда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига йўлланган 04/024-4454-сонли хатида қайта ишлаш, логистика ва бошқа харажатларни инобатга олган ҳолда, етиштирилган тўртинчи тоифа, иккинчи нав, биринчи синф 1 тонна пахта хомашёсининг минимал нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга 6512 минг сўмни ташкил этиши белгиланган. Шунингдек, етиштирилган бешинчи тоифа, биринчи нав, биринчи синф 1 кг пахта хомашёсининг минимал ха-

рид нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга 7030 сўмни ташкил этиши қайд этилган. Бундан кўринадики, “Раҳимжон” фермер ҳўжалиги томонидан “Bahodir Log'on Tekstil” қўшма корхонасига етказиб берилган пахта хомашёси қайта ҳисоб-китоб қилинганида коэффицент миқдори 140 миллион 895 минг сўмни ташкил қилган.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида “**Ҳар ким ўз ҳуқуқи ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади**” дея қайд этилган.

Фуқаролик кодексининг 4-моддасига биноан, фуқаролик қонунчилиги ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужуд-

га келган муносабатларга нисбатан қўлланилади. Қонун у амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Фуқаролик қонунчилиги ҳужжати амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонунчилик ҳужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган ҳуқуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади.

Шунингдек, кодекснинг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши, 238-моддасида эса, мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шартлиги белгиланган.

Бундан ташқари амалдаги “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги қонуннинг

40 ва 41-моддаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланилади, дея белгиланган.

Қисқаси, суд юқорида қайд этилган қонуний асосларга таяниб, “Bahodir Log'on Tekstil” қўшма корхонасидан “Раҳимжон” фермер ҳўжалиги фойдасига 140 миллион 895 минг сўм миқдорида рағбатлантирувчи коэффицент ҳақдорлигини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Бу ўз навбатида, адолат, демократик тамойиллар ўзининг теран ифодасини топган қонунларимиз амалда самарали қўлланиётганини яққол тасдиқлади.

Тоҳиржон МАМАТОЖИЕВ,
Фарғона туманлараро иқтисодий суди раиси

Жиноятга жазо муқаррар

Соғлом ҳаёт шарти

турли хил иллатларга қарши муросасиз курашишни тақозо этади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Афсусланарли томони шундаки, ҳаётда бу нопок ишга қўл уриб, тегилми жазо олган бўлса-да, аммо қилмишидан ҳулоса чиқармайдиган қимсалар ҳам учраб туради. Масалан, судланувчи И. Тожиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) шу йил 31 мартдан биринчи апрелга ўтар кечаси 9 дона “Тропикамид” номли кучли таъсир қилувчи дори воситасини Яккасарой туманидаги Шота Руставели кўчасида харидорга 300 АҚШ доллари

эвазига сотаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинган.

У суд жараёнида айбига қисман иқдор бўлди.

— Ўша куни менга Малика исмли қиз телефон қилиб, “Тропикамид” сотиш олмоқчи эканлигини айтди, — дея судда кўрсатма берди судланувчи И. Тожиев. — Биз учрашиш жойини келишдик. Мен 9 дона “таблетка”ни унга сотаётганимда, ички ишлар ходимлари

томонидан ушландим. Бунинг оқибатини ўйламай, хатога йўл қўйганман ва қилган ишимдан қаттиқ пушаймонман. Суддан энгилроқ жазо тайинлашни сўрайман.

Албатта, суд судланувчига жазо тайинлашда оилавий аҳволи, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва бош-



қа омилларни инобатга олди. Суднинг ҳукми билан И. Тожиевга иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Гиеҳвандлик — тубсиз жарликдир, бундан ўзимизни, яқинларимизни, жамиятимизни асраш учун ҳамisha ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз талаб этилади. Зеро, бу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш — нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Азимжон ҲАКИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани суди судьяси

■ Муносабат

Коррупция —

туман (шаҳар) судлари миқсолида таҳлил қилинганда, жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида жами 458 нафар шахсга нисбатан 245 та иш келиб тушган бўлиб, шундан 214 нафар шахсга нисбатан 129 та жиноят иши кўрилган. Жумладан:

- Жиноят кодексининг 167-моддаси билан — 125 нафар шахсга нисбатан 66 та иш;
- Жиноят кодексининг 168-моддаси билан — 44 нафар шахсга нисбатан 28 та иш;
- Жиноят кодексининг 205-моддаси билан — 7 нафар шахсга нисбатан 4 та иш;
- Жиноят кодексининг 210-моддаси билан — 3 нафар шахсга нисбатан 3 та иш;
- Жиноят кодексининг 211-моддаси билан — 21 нафар шахсга нисбатан 20 та иш;
- Жиноят кодексининг 212-моддаси билан — 2 нафар шахсга нисбатан 1 та иш;
- Жиноят кодексининг 214-моддаси билан 2 нафар шахсга нисбатан 2 та иш

кўрилган.

Шу ишлар бўйича 199 нафар шахсга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган. Судланганларнинг 27 нафарига — жарима, 55 нафарига — ахлоқ тузатиш ишлари, 39 нафарига — озодликни чеклаш, 51 нафарига эса, озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Ушбу тоифадаги ишлар жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди томонидан — 7 нафар, Бекобод шаҳар суди томонидан — 20 нафар, Бекобод тумани суди томонидан — 10 нафар, Бўка тумани суди томонидан — 14 нафар, Зангиота тумани суди томонидан — 8 нафар, Қибрай тумани суди томонидан — 6 нафар, Қўйи Чирчиқ тумани суди томонидан — 7 нафар, Оққўрғон тумани суди томонидан — 20 нафар, Олмалиқ шаҳар суди томонидан — 23 нафар, Оҳангарон тумани суди томонидан — 15 нафар, Оҳангарон шаҳар суди томонидан — 8 нафар, Паркент тумани суди томонидан — 9 нафар,



◄ (Бошланиши 1-бетда)

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялли мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига солиқ ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этади. Янги қонун билан амалдаги қонунчиликка:

- солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка сабаб бўладиган зарарнинг миқдори оширилишини;
- етказилган зарарнинг ўрни судга қадар босқичда ва суд муҳокамаси давомида тўлиқ қопланган тақдирда, жавобгарликдан озод қилишни;
- ваколатли органларнинг терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликларни қўриб чиқиш билан боғлиқ ваколатлари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, Жиноят кодексининг “Сохта тадбиркорлик” номли 179-моддаси янги тахрирда берилмоқда.

Шунга мувофиқ, ушбу моддадаги “**Устав фаолиятида қўрсатилган фаолиятни амалга оширмасдан**” деган сўзлар “**тадбиркорлик, яъни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадини қўзламасдан**” деган сўзлар билан ва “корхона ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари” деган сўзлар “тадбиркорлик субъектини ташкил этиш” деган сўзлар билан алмаштирилиб, амалдаги қонунларга мослаштирилди.

Шунингдек, “Солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлash” борасидаги жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Бунда сохта тадбиркорлик учун жавобгарлик барча турдаги тадбиркорлик субъектларини (амалда фақатгина юридик шахс) ташкил этганлик учун келиб чиқиши белгиланиб, айбдорларга 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан бирга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши ҳам назарда тутилмоқда.

Янги қонун билан Жиноят-процессуал кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, суриштирувчи, терговчи ёки суд тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ жиноят ишини иш юритувига қабул қилганлиги ҳақида тадбиркорлик субъектининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиши учун Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ёки Савдо-саноат палатасига хабар бериши белгиланмоқда.



■ Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН:

тадбиркорликнинг ҳалол рақобат муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги 4 йилда 24 триллион сўмлик ноқонуний товар-пул айланмасини амалга оширган 2 минг 672 та “бир кунлик фирма” фаолиятига чек қўйилган.

Россия, Украина, Озарбайжон, Тожикистон ва Қирғизистон қонунчилигида бундай қилмиш учун 5-7 йилгача озодликдан ҳамда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўзда тутилган.

Бундан ташқари солиқлар ва йиғимларни яширганлик учун:

- жиноий жавобгарлик биринчи марта содир этилганда – 3 йилгача (амалда бу норма мавжуд эмас);
- такроран, кўп миқдорда содир этилганда – 5 йилгача (амалда 3 йилгача);

– жуда кўп миқдорда зарар етказилганда эса, 7 йилгача (амалда 5 йилгача) озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўзда тутилмоқда.

Сўнгги 3 йилда 9,8 триллион сўмлик солиқларни яшириш билан боғлиқ 3 минг 710 та жиноятга чек қўйилган. Бюджетга етказилган зарар 54 фоиз (2024 йилда 3,7 триллион сўм) ўсган.

Шу билан бирга, биринчи марта жиноят содир этган шахс терговга қадар текширув, тергов ва суд муҳокамаси даврида қасддан яширилган солиқларни тўлиқ қоплаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилиши белгиланмоқда.

Янги қонун билан солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлashнинг миқдорлари ҳам аниқ белгиланмоқда.

Жумладан, Солиқ кодексининг 184-моддасида назарда тутилган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлashнинг:

- аниқ миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан олти юз бараваригача;
- кўп миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг олти юз бараваридан минг бараваригача;
- жуда кўп миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор ҳисобла-

нади.

Шунингдек, янги қонун билан Жиноят-процессуал кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, суриштирувчи, терговчи ёки суд тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ жиноят ишини иш юритувига қабул қилганлиги ҳақида тадбиркорлик субъектининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиши учун Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ёки Савдо-саноат палатасига хабар бериши белгиланмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки Савдо-саноат палатаси томонидан тайинланган вакил тадбиркорлик субъектининг фаолияти билан боғлиқ жиноят ишида суриштирув, дастлабки тергов ёки суд жараёнида, тадбиркорлик субъектининг талабига қўра,



жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиши мумкин бўлади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлash каби ҳолатлар билан боғлиқ жавобгарликни аниқлаштирувчи нормалар қўзда тутилмоқда. Жумладан, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлaganлик учун маъмурий

жарима миқдори: анча миқдоргача солиқлар тўлашдан бўйин товлaganлик учун – 5,6 миллион сўмдан – 11,2 миллион сўмгача (амалда 3,7-5,6 миллион), анча миқдорда бўйин товлaganлик учун – 11,2 миллион сўмдан – 37,5 миллион сўмгача (амалда 7,5-11,2 миллион) этиб белгиланмоқда.

Сўнгги 3 йилда бундай ҳуқуқбузарлик 2,2 баравар ўсган. Оқибатда бюджетга 1,04 триллион сўмлик зарар етказилган.

Жисмоний шахс томонидан даромадлар тўғрисида декларацияни тақдим этмаганлик ёки қасддан нотўғри маълумот тақдим этганлик учун маъмурий жазо чораси ҳам такомиллаштирилиб, 3,7 миллион сўм этиб белгиланмоқда. Бу миқдор амалда 1,1 миллион сўм эди.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартишга асосан, қўшимча ҳисобланган солиқ ва йиғимлар бўйича ундирилган маблағлар тегишли ҳуқуқни муҳофaza қилувчи органларнинг депозит ҳисобварақларидан бюджетга ўтказилган кунга қадар шу маблағлар суммасига пеня ҳисобланмаслиги тўғрисида қоида белгиланмоқда.

Агар жисмоний шахс томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексига назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши натижасида мулкдорларга ер участкасига бўлган ҳуқуқ ҳамда ушбу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари учун тўланган

● *Адвокатура: муаммо ва ечим*

Одил судловнинг ажралмас қисми

◄ (Бошланиши 1-бетда)

Бу ҳақда фикр юритганда, давлатимиз раҳбари томонидан 2022 йил 30 майда қабул қилинган “**Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарорига алоҳида тўхталिश жоиз. Чунки ушбу қарор билан адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлаш, фаолиятида ортиқча сансалорлик, бюрократия ҳамда қўғозбозликка чек қўйиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Янада муҳими, янги тахрирдаги Конституциямизнинг алоҳида боби адвокатурага бағишланди. Ушбу бобдаги 141-модда нормалари адвокатуранинг вазифаси ва унинг мазмунига қаратилган бўлса, 142-моддага қўра, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашигга йўл қўйилмайд.

Адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланади. Адвокат, унинг шайни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофaza қилинади.

Айни шу конституциявий қоидалардан ҳам кўриниб турибдики, адвокатуранинг бош ғояси қонунийлик, мустақиллик, ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланади. Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлиши, касбий ҳуқуқлари, шайни, қадр-қиммати қонун билан муҳофaza қилиниши жамиятда адвокатуранинг обрў-эътибори ошишига хизмат қилади.

Бу, ўз навбатида, адвокатлар нафақат терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёнларида, балки кундалик турмушда ҳам фуқароларга юқори малакали юридик хизмат кўрсатиши учун кенг имконият яратади.

Албатта, адвокатура институтини ҳам бугунги кун талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, изчил такомиллаштириб бориш зарур. Айниқса, бу борадаги қонун ҳужжатларини дунё тажрибасида синовдан муваффақиятли ўтган демократик институтлар билан бойитиш тақозо этилади.

Шу маънода, айрим тақлифларимизни билдиришни лозим топдик.

Маълумки, Жиноят кодексининг 236-моддасида тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашш, яъни ишнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўрганилишига тўқсинлик қилиш мақсадида, суриштирувчи, терговчи, ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида, судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтка-

зишга нисбатан жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Аммо адвокатнинг фаолиятига тўқсинлик қилиш ёки унинг ҳимоя позициясига турли хил кўринишда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарлик белгиланмаган. Бу эса, судларда жиноят ишларини кўришда тортишув принципи таъминланишига тўқсинлик қилмай қолмайд.

Шу боис, Жиноят кодексининг 236-моддаси диспозициясига адвокатнинг фаолиятига тўқсинлик қилиш ёки унинг ҳимоя позициясига турли хил шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун жиноий жавобгарлиқни белгилувчи нормани киритишни таклиф қиламиз. Бу, ўз навбатида, адвокатларнинг мавқеи прокурорларнинг мавқеига тенглашишини таъминлайди.

Бундан ташқари Жиноят-процессуал кодексига белгиланган юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатлар ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқини амалга оширишда ҳам айрим муаммолар учраб турибди.

Ҳап шундаки, адвокатнинг сўровини қўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик учун амалдаги қонунчиликда тегишли жавобгарлик белгиланмаган.

Аксарият ҳолларда адвокат сўровига жуда кечиктириб жавоб бериш ҳолларига дуч келинмоқда. Ваҳоланки, шундай ҳолатлар борки, шахснинг тақдири адвокатнинг ўз вақтида ва тўлиқ маълумот тўплаб, тергов ёки судга тақдим этишига боғлиқ бўлиб қолади.

Шуни инобатга олган ҳолда, ҳимоячининг Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида белгиланган қўйилган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларини олиш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришга тақозо этилади. Жумладан, адвокат сўровлари бўйича тегишли ҳужжат ва маълумотларни энг қисқа вақт ичида тақдим қилиш тартибини белгилаш орқали адвокатнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ кўринади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, агар юқорида кўрсатилган тақлифлар қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топса, шак-шубҳасиз, адвокатура институтининг равнақи янада ошадиган ҳамда улар одил судловнинг ажралмас қисми эканлиги амалда тўла намоён бўлади, деб ишонамиз.

● *Жиноят ва жазо*

Рад этилган ИЛТИМОСНОМА

Инсоф-диёнатли одамлар ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди, бонси бўлмаса, жазо сўрамайди. Эл орасидаги бу удум қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини тоган. Ким ҳақ-у, ким ноҳақлигини аниқлаш учун эса, адолатли суд тизимини жорий этишкан.

Бу тизим жорий йил билан таътибдоран адолат ва одилликнинг яна бир бўғини билан бойитилди. Эҳтиёт чорасини қўллаш ваколати тергов суди зиммасига юклатилди. Бу, ўз

навбатида, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судга қадар ҳимоя қилиш борасида муҳим қadam бўлди.

(Давоми 4-бетда) ►

тараққиёт йўлидаги ғов

Тошкент тумани суди томонидан — 10 нафар, Чирчиқ шаҳар суди томонидан — 7 нафар, Бўстонлик тумани суди томонидан — 1 нафар, Юқори Чирчиқ тумани суди томонидан 1 нафар шахсга нисбатан қўриб чиқилган.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг ҳудудлар кесимидаги таҳлили мазкур ҳудудларда бу иллатга қарши курашишни янада кучайтиришни, ҳуқуқни муҳофaza қилиш, ўзини ўзи бошқариш органлари, тегишли идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан тарғибот ва ташвиқот ишларини янада изчил йўлга қўйишни, ҳар бир фуқаронинг бу иллатга мурасасиз бўлишини тақозо этмоқда.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ушбу тоифадаги жиноят ишларини сайёр суд мажлисларида кўришни кўпайтириш, хусусий ажримларнинг таъсирчанлигини ошириш, маъруза ва давра

суҳбатлари, оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш талаб этилади.

Жорий йилнинг 5 март куни давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг йиғилишида ҳар бир соҳада коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, суд тизимида ҳам одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш доимо диққат марказида бўлиши зарурлигини таъкидлагани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, адолатни таъминлаш аҳолининг судга, давлатга ва олиб борилаётган ислохотларга ишончини мустаҳкамлайди.

Чунончи, жорий йил 11 март куни Олий судда бўлиб ўтган мажлис Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида белгиланган ана шу вазифалар ижроси таҳлилига бағишланди. Суд



тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар на-тижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

Мазкур йиғилишда Олий суд раиси судьялар ва суд ходимларига мурожаат билан чиқди. Давлатнинг коррупцияга қарши курашишдаги одил-лона сиёсати, Президентимиз белгилаб берган йўналиш ва вазифалар, шунингдек, Олий суд раҳбариятининг талаб ва тавсиялари жамланган Мурожаатни ҳар биримиз диққат билан тингладик.

Зеро, ушбу Мурожаатнома таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари томонидан олдимизга халқчил ва адолатли суд тизимини яратиш

масаласи қатъий вазифа этиб қўйилди. Суд оstonасига қадam қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши керак. Шу боис, ҳар биримиз ўз фаолиятимизни танқидий кўриб чиқиб, тегишли хулосалар қилишимиз зарур.

Судья, аввало, ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши талаб этилади. У суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ва судьянинг обрўсига путур етказадиган ёки унинг холис-лиги, мустақиллиги ва беғаразчилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Аслида ҳам, давлатимиз раҳбарининг “**Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши керак**”, деган даъвати барчамиз учун ҳаётий дастуриламал бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, кўп йиллик изчил таълим олиш, билим ўрганиш ва малака ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаш ҳамда туну кун фидойилик ва касбга садоқат билан меҳнат қилиб эришилган юксак мавқени асраш, бу шарафли касб салоҳиятининг қадрига етиш лозим. Бинобарин, фақат ҳалол, билимли, виждони пок судья ва суд ходимининг бугуни — тинч-хотиржам, эртаси саодатлидир.

◄ (Бошланиши 3-бетда)

— “Меҳробдан чаён”ни ёзишга тай-ёрландим. Ҳамма нарса тахт: романнинг шакли, қаҳрамонлари, воқеалари, асарнинг қандай хотималаниши Кўз олдимдан давра олиб ўтиб туради. Аммо ишни қаердан, нимадан бошлаш, даврага қандай кириб бориш масаласи мени ўйлатар, қийнар эди, — деган эдилар дадам бир вақт, оилавий ўтиришда туш тўғрисида суҳбат бўлганда, — бир кун туш кўрдим. Гўё Маҳмуд домла гўшт, пиёз кўтариб мачитдан чиқиб келар ва узоқдан мени ўзига имлаб, қўлидагиларни кўрсатар эди. Уйғониб кетдим. Ажабланиб, хаёл суриб ётдим ва бирдан қувониб кетдим. Чунки ипнинг учи топилган, романнинг қандай — қаердан бошланиши аниқланган эди...

Шоир Ғайратий ҳикоя қилган эди:

— 1930-1932 йиллар миёнасида бўлса керак, Абдулла акам биз ёш ёзувчи-журналистлар билан бир неча бор адабий учрашувда бўлиб, ўз икжодий тажрибаларидан сўзлаб берган эдилар. Учрашувлардан бирида (бу учрашув ёз кунлари нашриёт биносида бўлган эди, шекилли) у киши аста сўзлаб ўтириб, шу фикрни айтганлари ёдимда: “Сўнгги йилларда ёш ёзувчиларимизнинг кўпайиб бориши мени қувонтиради. Лекин айримларнинг асарларини ўқиб, шундай нуқсонларни сезаман: асарга масъулиятсиз қарашлик, кичик фикр-воқеаларни ҳаддан ортиқ шишириб юборишлик, асарнинг бошдан-охирини аввалдан ўйлаб, белгилаб олмаслик, ҳоказо... Бу нуқсонлар асар қийматини туширади, уни зерикарли қилади. Агар ёзувчи асарни бошдан-охир яхши ўйлаб олса, ёзиш осон кўчади. Масалан, мен “Меҳробдан чаён”га маълумотлар тўплаб бўлганимдан кейин асар шаклини бир йилдан кўп ўйлаб юрдим. Маълум фикрга келиб олгач, романини қарийб бир йилда ёзиб битирдим”.

“Меҳробдан чаён” ёзилган чоғларда мен тўққиз-ўн ёшли эдим. Бу роман ҳам Эшонгузар маҳалласида, ўша ҳовли, ўша уй, ўша сандалда ўтириб, икки киш (муаллиф юқорида “Қарийб бир



йилда битирдим”, деб фақат ижод қилган ойларнигина ҳисобга олган бўлсалар керак) ёзилган. Бу ўринда, мавзудан сал четроқ чиқсак-да, бир кулгули хотирани сўзлаб ўтмоқчиман:

Беш-олти ёшли пайтларим, қиш, рўза ойлари эди. Дадам эртаю-кеч сандалда қадалиб, “Ўтган кунлар”ни ёзардилар. Мен дадамнинг бундай ўтириш маъносига тушунмас, аксинча, “нега у ҳадеб ўтираверади, ёзаверади-а?” деб ажабланар, аччиғларан эдим... Бир кун кечкурун, одатимча, оймидан: “Ифторликка нишолда олиб келайми?” — деб сўрадим. “Керак эмас, пул йўқ”, дедилар ойим. Мен “пулсиз ҳам берам” деб умид қилдимми ёки жуда нишолда егим келганиданми, секингина пелани кўтариб, кўча бошига чиқдим... Ҳамманинг ҳавасини келтириб нишолда сотиб ўтирган Малиқхўжа амаки кўлимдан пиллани олиб: “Пули қани?” — деди. “Йўқ”, дедим. “Бор, пул олиб чиқ!” — деди ва пиллани қуруқ қайтариб берди. Мен кўпчилик ичида изза бўлиб уйга қайтдим ва йиғлаб, ойимни “койиб” кетдим:

— Нишолда бермади!.. Адам ҳам нишолда қилиб сотса бўлмайди! Ҳа-деб ёзаверадими!..

Аммо “Меҳробдан чаён” ёзилган вақтда дадамнинг қимлигини бирмун-

ча англар, меҳнатини билар, асарларини унча-мунча ўқиб тушунар, у билан фахрланар эдим. У киши муттасил уйда ўтирар, гоҳо бир-ярим келган ёр-дўст меҳмонлар, ариза ёздирувчилар (Қодирий баъзан илтимос қилиб келувчиларга ариза ҳам ёзиб берам эдилар) алахситмасалар, уйда ҳеч ким у кишига халал бермас эди. У кишининг кун тартиблари: ёзиш, ёзиш... Ёзишдан чарчаган вақтларда мутлоаа қилиш, уй юмушларига қарashiш, кўча бошидаги уста дўқонига, чойхонага чиқиш, бозор айланиш эди.

“Хўжа Нуриддин” қабристонини ёнида Шораҳим ота деган кекса бир киши яшарди. У ҳеч кими йўқ, касб-корсиз, жуда фақир, қилар иши эртаю кеч гу-пиллатиб наша чекиш эди. Уни ҳамма “Шораҳим банги” деб атар, билмадим, у қандай манбага яшар эди. Биз, болалар унинг эшигидан ўтганда “Шораҳим банге-е!” деб қичқириб қочар эдик. У орқамиздан “Ҳа-айт!” деб пўписа қилиб қоларди.

Таом пишгач, ойим: “бор, адангни айтиб кел!” дердилар. Мен дадамни излаб, баъзан ана шу Шораҳим отанинг уйдан топардим. Унинг уйи қанақа дейсиз, қоқ ер, қора шифт, чалдивор, олов ёқилаверганидан ичи мўридек қорайиб кетган, бир бурчагига уада кўр-

па-ёстиклар тўшалган, холос. Ўзи эса мош гуруч мажнунона соч-соқолли, ранги таг-тагидан сарғайиб, қовоқлари салқиган, қизил укки кўзлари ўқрайган, кўксовтабиат киши эди. Дадам уй ўртасидаги гулхан ёнида чой ичиб, у билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар...

Мен бу Шораҳим отанинг ҳаёти-ни, гулхан ёнида Қодирийнинг чой ичиб ўтиришларини ҳамон эсласам, “Меҳробдан чаён”даги “ғариб кўнгли”-ни, Анварнинг: “...Мен шундай қоронғу уйда, гулхан ёнида ўтиришни ва шу ҳолда чой ичишни жуда яхши кўраман. Бу ўлтиришнинг шоирона, дарвешона бир наъъаси бор”, деган сўзларини хотирлайман. Шораҳим отанинг қиёфаси эса “Ўтган кунлар”даги “Кўркинчли бир кеча”ни, ундаги девона тусини эслатади.

1927 йилнинг қиш олди эди, чоғи, дадам “Меҳробдан чаён”ни авжи ёза туриб, тўсатдан Қўқон сафарига жўнаб қолдилар ва беш-ўн кун айланиб келиб, яна ишни давом эттирдилар. Шунда бир кун мулла Алижон домла одатларича бизга меҳмон бўлиб келдилар-да, суҳбат чоғи дадамдан сўрадилар:

— Қўқонга борибсиз деб эшитдим?..

— Ҳа, домла, романнинг баъзи ўринларини аниқлаш зарур бўлди, бормасам, иш юришмайдиган, бирров бориб қайтдим.

Бу вақтларда ҳам дадам маҳалламиздаги мазкур улфатлари билан гап-гаштак ерлар, ёзаётган “Меҳробдан чаён”дан меҳмондорлик пайтларида парчалар ўқиб берадилар. Хотиримда, бир қиш, гап берганимизда, у киши романдан “Баримта” бобини (чамаси, роман тугалланиш арафасида экан-да) олиб чиқиб, меҳмонларга ўқиб берган эдилар, дадамнинг оғзидан майин эшитилган ўша жарчининг хабари (шеър), Раҳимнинг ғазоби, уч дўстнинг қўл олишиб қилган аҳди, дўкон ёнидаги каллапазнинг зўр бери ёғли ҳасилини мақташи, қалан-дарлар талқин лавхалари қулоқларим тагида ҳамон такрорлангандай, дадамнинг овозлари эшитилгандай бўлади...

◄ (Бошланиши 3-бетда)

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг тергов бўғини ўз фаолиятининг дастлабки уч ойда таъсирий чораларни қўллаш юзасидан келиб тушган жами 121 та илтимосномани қонун талаби асосида қўриб чиқди. Айни жараёнда шахсни муайян ҳуқуқ ва ваколатлардан маҳрум этишга қаратилган сўров ва таклифларни, авваллари кузатилганидек, сўзсиз қаноатлантириш ҳоллари тўлиқ барҳам топди.

Шу аснода гумонланувчи шахсларга нисбатан таъсирий ва эҳтиёт чораларини қўллаш юзасидан тергов судига ҳавола қилинган илтимосномаларнинг 112 таси қаноатлантирилган бўлса, 5 таси рад этилди, 4 таси уни юборган маҳкамага қайтарилди.

Тергов суди томонидан қўриб чиқилган ишларнинг 47 тасини — тинтув, 69 тасини — шахсни ҳибсда, 1 тасини — уй қамоғида сақлаш, 3 нафар фуқаронинг паспортдан фойдаланиш ҳуқуқини вақтинча тўхтатиб туришга доир сўровлар ташкил этди. Қаноатлантирилган сўровларнинг бари пировардида муфассал қараб чиқиш ва ҳал қилиш учун суд ҳамда тергов органларига юборилди.

Чиндан ҳам, шундай: инсон ҳуқуқлари қафоллати ҳимоя қилинадиган жамиятда ҳеч ким суд ва терговсиз жазо ёки жавобгарликка тортилмайди.

Бунга ҳаётий бир мисол: Урганч туманида 2004 йили туғилган Жаҳонгир Эгамбердиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) устидан ўтказилган дастлабки судлов жараёни шахс асосисз равишда жазога тортилмаслиги тамойили устуворлигини ақол исботлади.

Таассуфки, Ж. Эгамбердиевнинг гарданига юкланган айб анча оғир. Тергов судига ҳавола қилинган ҳужжатлар у айнан Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми “а” бандида ифодасини топган одам савдосини 18 ёшга тўлмаган



шахсга нисбатан содир этиш ҳолатлари учун жавобгар эканлигини кўрсатиб турибди.

Қайд этилишча, Ж. Эгамбердиев 2009 йили Урганч шаҳрида туғилган ва ҳали вояга етмаган Нилуфар Мергановани турли тазйик ва зугумлар остида нопок йўлга бошлаган. Башарти, талабни рад этса, аввалги қилмишлари ҳақида отасига хабар бериш билан таҳдид қилган.

Шу тарика у ўзганинг номусини пулга сотиш эвазига О.Қобиловнинг 1,5 миллион сўм миқдоридаги пулини қўлга қиритган. Аммо нопок луқма ҳазм бўлмаган. Жорий йил 5 март куни ноҳўя қилмиш устида қўлга тушиб, қонун сўровига дуч келган.

Суд муҳокамаси жараёнида тергов органи тарафидан дастакланган ҳолат чиндан ҳам, рўй бергани аниқлан-ди. Айб жиддий, қилмиш эса, ўта оғир турдаги жиноятлар туркумига қиради. Қонун бу қабилдаги қилмишни амалга оширган шахснинг озодликда қолишини тақозо этмайди.

Судгага бўлган эҳтиёт чораси эса, Жиноят-процессуал кодексининг 236-моддаси биланчи қисмига мувофиқ, айбланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш, жиноий фаолиятига барҳам

бериш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўқсинлик қилишга қаратилган уринишларига йўл қўймаслик ҳамда ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Гумонланувчини жамиятдан ажратishi учун ушбу асосларнинг ўзи етарли.

Бироқ қонун далиллар етарли бўлган вазиятда гумонланувчини ҳимоялаш чораларини ҳам назарда тутати ва бу ҳолат мазкур суд тергови асносида ҳам юзага қалиб чиқ-ди. Гумонланувчи муқим яшаш жойига эга экани, дастлабки тергов органи қақирувидан бўйин товламагани, айтилган манзилга ўз вақтида етиб боргани, унга нисбатан бирор мартаба ҳам мажбурий олиб келиш чораси қўлланилмагани, ҳақиқатни аниқлашга тўқсинлик қилмагани ҳамда муқад-дам судланмагани аён бўлди.

...Қонун мурувватнинг бу-ндай чорасини ушбу битикларнинг бошқа бир “қаҳрамони”, ҳазорасплик Қадамбой Қўрбонова нисбатан ҳам қўллашни истисно этди. Гап шундаки, 1988 йили ушбу туманда туғилган Қ.Қўрбонов олий маълумотли муаллим, яна денг, тумандаги нуфузли мактаблардан бирининг директори: 2021 йил август ойдан буён шу лавозимда ва ўз мансабига кўра, масъул-мансабдор шахс ҳисобланади.

Қ.Қўрбонов ана шу амалига суянган ҳолда қариндош, қўшни мактаб ходими Ф.Сафаров билан ўзаро тил бириктирган, унинг номига якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномасини расмийлаштирган. Шу асосда сонда бор-у, санокда йўқ, ҳатто рўйхатга олинганидан сўнг ақалли бирон соат ҳам фаолият юритмаган нодавлат мактабгача таълим муассасасини таъсис этгани, махсус онлайн тизимига сохта маълумотларни юклаш орқали 2023 йил сентябрь-декабрь ойларида тарбияланувчиларга эга бўлмаган ушбу таълим ташкилотиди 27 нафар кичкинтой тарбия қўргани ҳақидаги қалбаки ҳужжатларни тақдим қилган.

Шу тарика Қ.Қўрбонов давлатнинг 21,5 миллион сўмлик субсидия маблағини қўлга қиритгани маълум бўлди. У суднинг 2024 йил 24 сентябрдаги ҳукмига асосан, Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми “а” банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди ва 1 йил-у 5 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинди.

Аммо ҳамон директор вазифасида қолиб келаётган Қ.Қўрбонов ўз устидан ўқилган ҳукмни парвойига илмади. Янада ёмони, устозлик шаънига иснод келтирган қилмишидан хулоса чиқармади.

Гап шундаки, Қ.Қўрбонов мактабда бўшаб қолган инглиз тили муаллими вазифасини ўз зиммасига юклашни сўраб, 2025 йил 24 февраль куни ху-зурига келган М.Ботировнинг раъйини қайтармади. Унинг талабини қондиришга, бу ишни “сиздан угина, биздан бугина” қабилда адо этишга сўз берди.

Ишга талабгор муаллим ҳам йўқ демади. Сўралган 200 доллар пулнинг ярмини — қоррижий валюта ҳолида, қолган ярмини эса, миллий валютда — сўмда берди. Бу пул, аслида, директорнинг ўпқон очган нафси йўлига қўйилган тузоқ эди. У бунга англамади. Бинобарин, ўзи томонидан содир

қилинган жиноий қилмишнинг изи босилмаёқ бошқа бир оғир асоратли қидикорга қўл урган шахснинг галдаги хурмача қилғи ўша кунёёқ фоз этилди.

Мамлакатимиз қонунчилиги жазо муддатини ўтаётган паллада такорорий жиноятдан ўзини тия олмаган шахснинг қилмишини қаттиқ қоралайди. Шу аснода, тергов суди қўриб чиқилаётган масалага адолатли тарзда ёндашди.

Тергов органининг гумонланувчини Жиноят кодексининг порахўрликка оид 210-моддаси 2-қисми “в” банди, ўзганинг мулкни ўзлаштиришга тааллуқли 167-моддаси 2-қисми “в.г” бандлари ва мансаб сохтакорлигига доир 209-моддаси 1-қисми бўйича жавобгарликка тортиш ва вақтинча ҳибсга олиш ҳақидаги илтимосномаси суд томонидан қаноатлантирилди. Содир этилган оғир оқи-батли қидикорнинг ҳақиқий манзараси энди унинг устидан ўтказиладиган галдаги тергов ва суд жараёнида кўринади.

Шундай қилиб, Ж.Эгамбердиевнинг қилмиши ҳам дастлабки тарзда қонуний баҳо олди. Лекин суд жараёнигача қамоқда сақлаш қисмати уни четлаб ўтди.

Суд унинг дастлабки тергов жараёнига фаол кўмаклашгани, қилмишига астойдил икорорлик билдиргани, пушаймонлик изҳор қилгани, ёшлиги, турмуш шароитини эътибордан соқит этмади. Тергов органининг гумонланувчини ҳибсга олиш ҳақидаги талабининг рад қилди. Уни уй қамоғида сақлаш ва суд залидан озодликка чиқаришни мақсадга мувофиқ ҳисоблади.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, ҳаётда содир этилган ҳар бир жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Бу ўз навбатида, жиноят содир этишга мойил қимсаларга сабоқ бўлмоғи даркор.

Элёрбек БОБОЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Урганч шаҳар суди
тергов судьяси

**Кўнкарни
ФАКТИАР**

Биз ҳар куни дунёнинг турли давлатлари, шаҳарлар, кўчалар ва қишлоқларнинг номини тилга оламиз. Аммо бу номлар қачон пайдо бўлганию қандай маънони англатиши ҳақида кўп ҳам ўйлаб ўтирмаймиз.

АТАМАЛАР

ҚАТИГА ЖО БЎЛГАН ТАРИХ

Ҳолбуки, бу дунёда ҳар бир давлат ёки шаҳарнинг номи шунчаки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, аксинча, бу номларнинг ўзига хос келиб чиқиш тарихи бор. Айниқса, ҳар номнинг зами-сункор ва жозибали давлати бефарқ қолдирмайди.

Қуйида ана шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бугун дунёда Италия давлати ҳақида эшитмаган киши топилмас керак. Кўпчилик айнан Европанинг фу-сункор ва жозибали давлати саналмиш Италияни кўриш-ни, унинг гўзалликларидан баҳра олишни бир умр орзу қилади. Хўш, аслида, "Ита-лия" деган сўз қайси тилдан олинган ва у қандай маъно-ни англатади?

Айтиш керакки, "Италия" сўзи қадимги оскск тилидан олинган бўлиб, "бузоқлар мамлақати" деган маънони англатар экан. Оскск тили ҳозирги пайтда ўлик тил ҳисобланади, эрамиздан олдинги минг йилликда эса, бу тил бугунги Италия ҳудуди-да яшаган аҳолининг ўзаро мулоқот воситаси ҳисоблан-ган.

Тинч океани сарҳадларида фақат ороллардан ташкил топган Науру дав-латининг номи ҳам қизиқ маънони англатиши билан киши эътиборини тортади. Яъни "Науру" "Апаоеро" сў-зидан олинган бўлиб, "Мен соҳилга томон борапман", деган маънони билдиради.

Венгрия давлатининг номи эса, турк тилидан олин-ган бўлиб, "Ўн қабила" де-ган маънони билдиради. Шунингдек, IX-асрда хо-зирги Венгрия давлатининг шарқий ҳудудида яшаган қабила ҳам — Ungaгi номи билан аталган.

Канада давлатининг номи эса, қадимда шу ҳудудда яшаган қабила тилида од-дийгина "қишлоқ" деган маъ-нони англатган. Ўша пайтда англиялик истилочилар ҳо-зирги Канада давлати жа-лашган ҳудудни ажратиб кўрсатиш мақсадида шундай ном билан аташган. Кейин-чалик бу сўз бутун давлат-нинг номига айланиб кетган.

Сингапур давлатининг номи эса, икки сўзнинг қўшили-нган ташкил топган. Яъни "Синга" сўзи малай тилида "шер" деган маънони бил-дирса, "пура" сўзи қадимги санскрит тилида "шаҳар" деган маънони англатади. Демак, Сингапур сўзининг маъноси "Шерлар шаҳри".

"Испания" деган сўзнинг луғавий маъноси ҳам жуда қизиқ. Бу сўзнинг келиб чиқиши қадим ўтмишга бо-на, "фасо" сўзи "ҳалол одамлар", "фасо" сўзи эса, "ватан" де-учинчи минг йилликда Пире-ней ярим оролига бостириб қелган босқинчилар ҳозирги Испания ҳудудида қуёнлар галаси эмин-эркин яшаб,

ўзларидан кўпайиб юргани-га кўзлари тушади ва улар беихтиёр бу қуёнлар юрти экан, деб айтишади. Шундан буён бу ҳудудни шу ном би-лан атаб келишади. Кейин-чалик бу юртда пайдо бўл-ган давлат ҳам Испания деб юритилган.

"Нидерландия" сўзи эса, "юмшоқ ер" деган маъно-ни билдиради. Бу ном ўрта асрдан буён кўпلىнаб кели-нади. Ўша пайтда Шимолий денгиз атрофидаги барча ҳу-дудлар шу ном билан атал-ган.

Ғабон давлати эса, ўз ҳу-дудидан оқиб ўтувчи Ғабайо дарёси шарафига шу ном билан аталган. Қизиқ томо-ни шундаки, бу сўз порту-гал тилидан олинган бўлиб, "ёмғирпўшли камзул" деган маънони билдиради.

Хўш, нега айнан ёмғир-пўшли камзул, деб сўраяп-сизми? Бунинг жавоби од-дий: Ғабайо дарёсининг шакли айнан ёмғирпўшли камзулга ўхшайди.

Исландияни биринчи бў-либ қадимда Викинг номли қабила шу ном билан ата-ган. Бу бежизга эмас, ал-батта. Чунки ўша пайтда ҳозирги Исландия ҳудуди-га қадим босган викинглар ҳам-маёқ муз билан қоплагани-ни кўришган. Бунинг устига, қаҳри қаттиқ киш уларнинг кўзини очирмаган. Шундан келиб чиқиб, улар бу юртни Исландия, яъни музликлар юрти деб аташган.

"Япония" сўзи эса, "кун-чиқар юрт" деган маънони англатади. Япон тилида бу сўз икки иероглифдан таш-кил топган: бу иероглифнинг биринчиси "күёш", иккинчиси эса, "манба" деган маънони билдиради.

1449 йили испаниялик сайёҳлар ҳозирги Венесуэла давлати ҳудудига биринчи бўлиб қадам қўяди. Экспеди-ция аъзолари бу янги ҳудуд-нинг гўзал табияти, маҳал-лий аҳолининг бежирим уйлари-га кўзлари тушиб, беихтиёр Европа гавҳари саналган Венеция шаҳрини эшлашади. Шундан келиб чиқиб, улар бу ҳудудни "Ве-несуэла", яъни "кичкина Ве-неция" деб аташади.

Шундан буён орадан кўп сувлар оқиб ўтди. Аммо Ве-несуэла атамаси ўзгармади. Чили давлатида эса, қа-димда асосан ҳинду қабила-лари истикомат қилган. Улар негадир ўзлари яшайдиган бу ҳудудни "Чили", яъни "ер тугайдиган макон" деб аташ-ган. Бугунги кунда бу сўз давлатнинг номи сифатида машхурдир.

Африкадаги Буркина Фасо давлатининг номи ҳам жуда қизиқарлидир. Яъни "Бурки-на" сўзи "ҳалол одамлар", "фасо" сўзи эса, "ватан" де-ган маънони англатади.

Демак, "Буркина Фасо" сў-зидан бу макон ҳалол одам-лар ватанидир, деган маъно келиб чиқади.

**Интернет материаллари асосида
Ш. ХАЙРУЛЛАЕВ тайёрлади.**

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди	Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ	Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.	ISSN 2143-6323 	ТАХРИР ҲАЙЪАТИ Бахтиёр ИСЛАМОВ Икром МУСЛИМОВ Олимжон ИСМАИЛОВ Шухрат ПОЛВАНОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ	Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ Жамшид САДИНОВ Муродулло ҚОДИРОВ Замира ЭСАНОВА Азиз АБИДОВ Бобомурод РАЙИМОВ	Сахифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ	Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзилими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatla@mail.ru Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5910 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20⁰⁰. Топширилди: 21⁰⁰.
--	---	---	---	--	--	---	--